

Тилеўмуратов, Турғанбай Қурбанов т.б. тағы да даўам етип келеди.

Баксы-жыраўлар менен бир қатарда Жийен, Кунхожа, Бердақ, Әжинияз, Өтеш, Омар, Жаңабай, Аяпберген, Садық, Аббаз сыяқлы халық шайырлары халықтан шыққан шешен адамлар менен сәзенделер

қосықшылар менен ертекшилер, нақылшылар менен жуўабый кисилер, қыссаханлар менен қатықулақлар халықтың көп әсирлик бай фольклорының дәрети-лиўине хәм бизиң дәўиримизге шекем жетип келиўине үлкен дәретиўшилиқ мийнет сиңирген.

Әдебиятлар

1. Аўезов М. Киргизский героический эпос. «Манас» I. -М.: 1961. –С.16
2. Дәўқараев Н. Революцияға шекемги қарақалпақ әдебияты тарийхының очерклері. -Нөкис: 1961. 25-26-б.
3. Сағыйтов И.Т. Қарақалпақ қахарманлық эпосы. -Нөкис: 1963. 208-б.
4. Дәўқараев Н. Революцияға шекемги қарақалпақ әдебияты тарийхынан очерклері. -Нөкис: 1961. 64-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қарақалпақ эпосларининг ривожланишида жировлар мактаби ва устоз-шогирд аъналарининг тутган ўрни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В статье раскрываются научно-практические особенности и роль школы поэзии и программ наставников-учеников в развитии каракалпакского эпоса.

SUMMARY. The article describes the scientific and practical peculiarities and the role of the school of poetry and mentor apprentice programs in the development of Karakalpak epics.

ЎЗБЕК ДЕТЕКТИВ НАСРИДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО МУАММОСИ ҲАМДА СЮЖЕТ СХЕМАСИ

Д.Ж.Халилова – филология фанлари номзоди, доцент

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: детективизм, криминализм, “микро криминал сюжет”, “микро детектив воқелик”, психологик таъсир, психологик тасаввур.

Ключевые слова: детективизм, криминалистика, «микрориминальный сюжет», «микродетективная реальность», психологический эффект, психологическое воображение.

Key words: detectiveism, criminology, "microcriminal plot", "microdetective reality", psychological effect, psychological imagination.

Жаҳон адабиёти тажрибасида кўриш мумкин бўлган ҳодисага кўра, детектив-криминал услубидаги асарлар таркибида турфа мавзулар, фалсафий-ижтимоий ғоялар тизимида жиноят ва жазо мотиви билан боғлиқ масалалар талқини етакчилик қилади. Мантиқан олганда, детектив-криминал мавзуи билан боғлиқ асарлардаги энг муҳим ғоявий мақсад жиноий ҳаракатлар, жиноятчилар фаолиятини ва бу жиноятлар жазосининг муқаррарлигини талқин қилишдан ҳам иборат.

Европа ёки Америка китъаси адабиётида ҳам XVII-XVIII асрларда детектив-криминал характердаги асарлар яратиш аънаси кенг ривожлана бошлаган. Ўзбекистонда эса бу борадаги асарлар намунаси асосан XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан юзага кела бошлаган. Адабиётшуносларнинг қайд қилишича, Шариф Ризонинг “Қор ёғди, излар босилди” номли кичик қиссаси детектив-саргузашт, жиноятларга қарши кураш, изқуварлик мавзуларига онд дастлабки асар саналади. Бу йўналишда И.Қаландаровнинг “Шоҳидамас, баргида”, Ў.Умарбековнинг “Ёз ёмғири”, “Фотима-Зухра”, С.Аҳмаднинг “Суд”, С.Равшаннинг “Чордоқдан отилган ўқ” номли асарларини қайд қилиб ўтиш мумкин. Бу ҳам Ғарб мамлакатларидаги ёзувчилар томонидан ҳар йили яратиладиган минглаб детектив романлар ва қиссалар олдида дарёдан томчи кабидир.

Детективизм хусусияти айрим асарларда бевосита тўлиқ (А.Кристи “Унта негр боласи” романи каби) ҳолда амал қилса, кўплаб асарларда эса, билвосита шаклда намоён бўлади. Масалан, Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси”, Жек Лондоннинг “Уч қалб” романи, айрим ҳикоялари, Оскар Уайльднинг “Дорион Грейнинг портрети”, Лев Толстойнинг “Тирилиш”, Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, Габриэль Маркеснинг “Юз йил танҳоликда”, “Ошқора қотиллик қиссаси” асарларида шу хусусият етакчилик қилади.

Фёдор Достоевский ижоди бу хилдаги асарларнинг энг мукаммали ҳисобланади. Аслида дунё адабиётида психологик, ижтимоий, фалсафий, маиший руҳдаги асарлар таркибида қўлланилган детективизм, криминализм хусусиятлари мавжуд асарлар салмоқли ва ғоявий-бадий таъсирчан яратмалар сифатида кадрланади. Рус адабиётшунослари, жумладан, достоевскийшунос олимлар ўз ишларида адиб асарларидаги детективизм, криминал хусусиятларни

тахлил қилганда “микро криминал сюжет”, “микро детектив воқелик” каби ибораларни ҳам кўп ишлатадилар. Аслида детективизмни криминал воқеликларнинг ижтимоий-психологик, социал-маиший руҳдаги асарлар таркибида қўлланилиши бу асарларнинг ҳаётийлигини ва табиийлигини таъминлайди. Чунончи, бир макон ёки бир замондаги воқелик тамоман криминал ҳодисадан ёки детектив-саргузашт мотивидан иборат бўлавермайди. Детективизм, криминализм кундалиқ табиий ҳаёт таркибидаги хусусият сифатидагина ёндашувда намоён бўлади.

Достоевский ўз қаҳрамонларининг, айниқса, билиб, атайин ёки билиб-билмай жиноий ишларга қўл урган образларининг руҳий тўлғонишларини юксак психологик коллизиялар гирдобиди тасвирлайди. Албатта, ҳар қандай одам ҳам, ҳатто у аблаҳ ва ёвуз қиёфа эгаси бўлса-да, ёмонлигидан, қотиллигидан, бузғунчилигидан, ўғрилигидан ички пушаймонлик кечиниши табиий ҳол. Ёзувчи шу инсоний ҳолатни анча нозик ва чуқур илғайди.

Раскольников (“Жиноят ва жазо” романи) оддий ижара пулини тўлашга имкони бўлмаган ҳолда ижара соҳибаси – ашаддий судхўр кампирни ўлдирганидан сўнг қилмишидан пушаймон бўлиш каби узлуксиз изтироблар уммонига чўкиб қолади. Ёзувчининг муддаоларидан бири ҳам қаҳрамонлари изтироби ва руҳий тўлғонишларини тасвирлашдан иборат. Чунончи, пушаймонлик инсоний хусусиятлардан биридир.

Борган сари ўзи қилиб қўйган қотиллик ишидан Родионнинг кўнгли айниб борарди. Энди дунёдаги ҳеч бир манфаатли нарса уни яна ичкарига қайтиб қиришга, кампирнинг сандиғини титкилишга ундай олмас эди. Аммо у фикри сочилиб, қаттиқ фаромуш бўлиб қолади, ҳатто нимагадир ҳаёли кетиб қолаётгандай бўлаверарди. Шундай вақтларда Родион бутунлай ҳеч нарсани англай олмас ёки асосий нарсани унутиб, майда ташвишларга ёпишиб қоларди. Раскольников ошхонага кириб у ерда челақда яримлаб қолган сув турганлигини кўради-да, қўллари билан болтани ювиб қўйиш лозимлигини эслайди. Қўллари қон юки бўлиб қолганди. Болтанинг юзини челақка ташлаб қўяди.

Эътибор берилса, Родион бу ишларни кўнгилда изтироб, иккиланиш, кўрқин асосида бажаради. Бундай титроқ уни то тергов ва судгача, қаторга ва Сибир сургуни жараёнларида тарқ этмайди. Ёзувчи

бу асли жуда кашшок, ейишга нони бўлмаган, аммо, ўқишни жон-дилдан истаган бечора йигитнинг фожияли аҳволини ғоят ачиниш ва афсус билан тасвирлайди.

Жиноий ҳаракат, фалокат ўлим онларидаги Родионнинг ҳолатлари образ рухиятини англаш воситаларидан биридир.

Хулоса қилиш қийин эмаски, Раскольников каби кашшок, имконсиз, истеъдод-заковатини юксалтира олмайдиган бечора ёшлар, бутун Россия, бутун коинот одамлари, ёшлари учун ҳам дахлдор кўргулик саналади. Чингиз Айтматов ўз мақолаларида “оламварий фикрлаш” иборасини қўллаб, аввало, ҳар бир ижодкор асарларида олам-жаҳонга хос кенг фикрлаши ва китобхонларни ҳам шу руҳда тарбиялаши лозимлигини уқтиради. Айтматовнинг зийрак тасаввурига кўра, Достоевский айнан инсониятни ларзага соладиган ғоялар, инсонпарварлик туйғулари билан, эзилганлар ва ҳўрланганлар учун мислсиз қайғуриш руҳи билан адабиётга кириб келган [2:93-97]. Раскольников образининг яратилиши муносабати билан рус адабиётида ўта мураккаб ва айни вақтда ҳаётий қаҳрамон тимсоли пайдо бўлади; камбағал, илм-заковатга интилувчи, орзулари қўп, аммо уларни амалга оширишга имкони, маблағи йўқ; аламзадаликдан, камхаржликдан қотиллик қилишга мажбур йигит...

Адабиётшунослар, ижодкорлар Родион Раскольников тимсолини яратишда Достоевский нақадар азоб тортганлиги қайд қилишади. Шу билан бирга, бу жараёнда кўнглимиз улуғ бир ойдинлик ҳам кечирилади. Адабиётшунос олим Илҳом Ғаниев Достоевскийнинг Раскольников образини яратишда унинг туганмас изтиробларини ифодалашдаги маҳорати ҳақида ёзадики, “Ёзувчи бизни фавқуллодда мураккаб рамз, ишоралар дунёсига олиб кирмайди. У Раскольников ички оламида бошланаётган, дастлаб тентираш, алаҳсирашга ўхшаш ҳолларнинг қандайдир асосларини бизга тушунтираётгандек бўлади. Ҳақиқатдан, буюк мақсадлар одамни бир қадар чўчитиб, гўё тентиратиб қўйиши руҳшуносликдан маълум” [3:30].

Раскольников авлодларга огоҳлантириш, ёшликка хос қудрат ва журъатга тўлган мислсиз орзу, ҳам ниятларни самовий кенгликлардан бир қадар ерга тушириб, атроф қанчалик мураккаб, тубан, чиркин бўлмасин, ундан бебаҳо бир гўзаллик қидиришга ва ниҳоят, уни топишга ўргатиш учун яратилгандек бўлаверади.

Ўғрилиқ жинояти – жиноятлар орасида майда ва арзимайдигани бўлса-да, одамзод шаънини булғайдиган ярамас қилгиликлардан, балки жиноятлардан саналади. Шарқ мумтоз адабиётининг панднома руҳидаги намуналарида ўғрилиқ одатининг фош қилиниши мисолларини биламиз. О.Генрининг “Муштарак кўнгиллар”, Ғафур Ғулломнинг “Менинг ўғригина болам”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” каби ҳикояларида, яна Ғ.Ғулломнинг “Шум бола” қиссасида ўғрилиқ илллати билан боғлиқ талқинлар мавжуд. Саид Аҳмаднинг “Суд” қиссаси шулардан бири. Техникум ўқувчисининг – қишлоқи йигитнинг ўғриликдан пушаймонлигини кўрсатиш – асар ғояси, сюжет йўналишини белгилайди.

“Бир соат ўтдими, икки соат ўтдими билмайман. Шунча вақт қимирламай тик турганимни икки тиззамда дармон қолмаганидан билдим” [4:139].

У қилиб қўйган машъум ишининг даҳшатини ўтган вақт ичида билиб қолади. Ҳатто пешонасига шапиллатиб туширади:

“Нима қилиб қўйдим? Ўғри бўлиб қолдимми?”

Қисса қаҳрамонининг пушаймонлиги талқинида сентименталлик руҳи сезилгандек бўлади. Аммо, адиб бу жараёни унинг ўз номидан ифодалаб, бирмунча

табиийликка эришадиям. Техникум ўқувчисининг ўз ўғрилигидан пушаймонлиги Раскольниковнинг судхўр кампирини ўлдиргандан сўнгги изтиробларига ўхшаб кетади.

Мана, ўқувчи ётоғида портфелни очади. Бир даста пул. Ведомость. Пулни санайди. Бир минг икки юз ўн олти сўм. Яна аллақанча танга-чақа. Ведомостга кўз ташлайди. Ўн еттинчи мактаб ўқитувчиларининг таътил пуллари. Шундан сўнг “ўғри” кимни кўрса, қаерга борса, унинг қилғилигини билиб турганларидек, ана ҳозир-мана ҳозир унинг ўғрилигини фош қиладиганларидек ҳолатга тушиб, изтироб, иккиланиш оғушида қолади. Масалан, бунда адиб ўқувчилар ётоқхонасининг боғбони ва унинг “ўғри” йигитга муносабатлари сюжетидан унумли фойдаланади. Шу тариқа ёзувчи атрофдаги турли кишилар, хатти-ҳаракатлар воситасида “ўғри”нинг руҳий олами товланишларини бир қадар чуқурроқ ифодалашга муваффақ бўлади.

Боғбон амаки гуллар тагини кетмонлаб юрган бўлиб, ўқувчига бир қарайдию, индамай ишини қилаверади, “ўғри”нинг аъзойи бадани муз бўлиб, юраги “шув” этиб кетади. Илгарилари боғбон ҳар кўрганда гулкайчисини белига кистириб, аҳволини сўрарди. Унинг мусофирлигини, қарашадиган ҳеч кими йўқлигини билиб, невараси тушлик олиб келганда уни албатта чақиртириб тушарди. Бирга тушлик қилардилар. Нечун бу гал мунча совуққон қарайди? “Ё қилмишимни кўзимдан билиб олдимикан?”, - дея шубҳаланади ўқувчи. Асарда ёзувчи “ўғри” боланинг ҳолатини, кўрқув ва ҳаяжонларини талқин этишда “Бўйнида илллати борнинг оёғи қалтирар” мақоли мазмунига суяниб иш тутган.

Боғбон амак мактаб кассирининг ўша кунги фаолияти ҳақида ўқувчи йигитга ҳикоя қилиб беради:

“ – Банкадан пул олиб келаётган экан. Иссиқда юраги бесаранжом бўлиб қопти. Трамвайдан тушибдию, Мардонни олдида бирпас ўтириб дам олай, деб менинг олдимга аранг этиб кепти. Аксига олиб мен ўлгур қовун олгани кетган эдим. Қовун емай, заҳарни есам бўлмасмиди. Боякиш мени кутиб ўтириб кўнгли беҳуд бўлиб қопти. Пул тўла папкасини бир ноинсоф кўтариб кетибди. Олган одамга буюрмасин. Кафанига, ўлимига ярасин шу пул” [4:111].

Боғбон амакнинг айни “ўғри”га номаълум “ўғри”ни қарғаб айтаётган “Олган одамга буюрмасин”, “Кафанига, ўлимига ярасин шу пул” гаплари криминал қаҳрамон юрагини бадтар эзиш, бадтар лаънатлаш ҳавосини авж олдиради.

Психологик таъсир ва айни вақтда “ўғри” руҳиятининг психологик тасаввури ва талқини адиб учун образ диалектикасининг қат-қатларигача

“Суд” қиссаси жаҳон адабиёти тажрибасида синалган “ўз-ўзини суд” мақомини, ички коллизияли кураш изтироблари тизимида образ ҳолатини тасвирлаш усулларига анча яқин. Ўқувчи “Баъзан қилиб қўйган хатоимни тузатиш қийин эканлигини англаб, ўзимча режалар тузаман”, - дея ўз рухиятини баён қилади. Масалан, бу пулга янги костюм олса бўлмайди? Энди ётоқда туриб нима қилади? Квартира олиб кўчиб кетиш керак. Соат олса, хатто тилла соат олсам ҳам бўлаверади.

Бундай ширин орзуларини қилиш ҳолатини бўлиб кассир чолнинг ярим очик нурсиз кўзлари кўриниб кетарди.

Шу психологик жараёнда “Суд” қиссаси қаҳрамони – техникум ўқувчиси тимсоли билан Раскольников фаолияти орасидаги руҳий изтироблар тизимида баъзи муштаракликни кузатиш мумкин. Масалан, Раскольниковнинг ўмарган бойликларини тошнинг остига яширмоқчи, ташламоқчи бўлади.

“Суд” кассаси қахрамони туйғулариди ҳам Раскольников ҳолатидаги катта умидлар, бой-бадавлат бўлиб кетиш ҳаёллари билан ёндошлиқда эса иккиланиш, ҳайқиш руҳи ҳам ҳукмрон эди. “Ўғри” толиб ҳаёлига қўшимча равишда “Суд, даҳшатли қора курси. Хукм!” манзаралари қайта-қайта жонланаверади: “Милиционер ўнг қўлини чаккасига қўйиб честь берди.

– Гражданин, сиз....

Ғулдираб қолдим.

– Мен, мен билмасдан... – бошқа гап айтолмадим.

– Сиз, – шошилмай салмоқлаб гапирарди у.- Сиз нега кўча қоидабини бузасиз! Оз бўлмаса машина уриб кетай деди-ку!

У бошқа нималар деди, билмайман. Энтикаман, холос” [4:144].

“Ўғри” толиб, худди“ бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди” нақлига ўхшаш ҳолатда ҳавотир, кўркиш гирдобига тушганлигини ҳатто сезмай қолади. Ўнгидаям, тушидаям, ҳатто, оддий йўлда, ўтиш йўлагиди гарансираб машиналар уриб кетишига сал қолган дақиқаларда уни огоҳлантирган йўл-патруль милиционеридан ҳам чўчийдиган даражага тушиб қолган эди.

Шундай ҳолда у таксига ўтириб, ётоққа қайтиш асноси такси машинасининг тасодифан дами чиққан балонини дамлашга кўмаклашади. Тасодифан ҳайдовчи ҳалиги кассир чолнинг жияни бўлиб чиқади. Ёзувчи шофёрнинг сўзларида ҳам “Ўғри”нинг карама-қарши ҳаёлларини, изтироблар силсиласини ифодалаган:

“Яхши бола экансан. Кани энди ҳамма ҳам сенга ўхшаган инсофли бўлса. Битта ярамас тоғамнинг портфелини ўғирлаб кетибди...”

“Юраги ёмон эди, ўлиб қолишига сал қолди...”

“Шофёр бу гапи билан ғилдиракка эмас, менинг ичимга ел бергандек бўлди. Ёрилиб кетай дедим...”

Асарда “Ўғри” атрофидаги бундай фавқуллодда карама-қарши туйғулар, ғойибона айбловлар, қутилмаган лаънат эшитишлар жараёни психологик жиҳатдан силсилавий равишдаги адабий ракурсда ўз ифодасини топган.

Инсоний пушаймонлик, гуноҳларига икромлик, натижада Оллоҳ даргоҳига тавба-тазаррусини қилиш жараёнлари – “Суд” кассаси ғоявий-поэтик қўламининг асосий фалсафий-ҳуқуқий пафосини белгилайди. Пировардида, “Ўғри” толиб ҳатто курсдошлари, ётоқдошлари билан ҳам хайрлашмай олис қишлоғига жўнаб кетади. Бунгача у мактаб ўқитувчиларининг пулини почта орқали мактабга юборади, техникум директориға ўқийшдан четлатиш ҳақидаги аризасини ҳам ёзиб қолдиради.

Тўғри, бир караганда, “Суд” кассаси сентименталь асар таассуротини пайдо қилгандек бўлади. “Ўғри” толибнинг ўзини-ўзи суд қилиш одатича кечинган руҳий изтироблари, пушаймонликлари бир қадар сунъийдек туюлади. Аммо, С.Аҳмаднинг ёзувчилик карьересиға хос лирик-поэтик услуб самимияти мазкур касса умумархитектоникида бир қадар табиийлиқни, ишонтириш маромини ҳосил қила олган. “Ўғри”нинг чин пушаймонлик ҳулосаларига келиши учун яратилган ҳаётий асослар мантиқи ҳам асар ғоявий-бадий ишончилигиға поэтик пойдевор яратган.

Ғ.Ғулломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида ҳам шундай ўғрилиқ мавзуидаги воқелик талқинига дуч келгандай бўламиз. Ота-онасидан етим қолган гўдақларға бувиси қарайди. Бир кеча улар айвон остида ётганларида уйға ўғри тушади. Том устидаги ўғри

билан Рокия буви ўртасидаги суҳбатдан катта ўғил уйғониб кетади. Суҳбат жараёни тўқилиб турган хонадоннинг ҳам, бир этак боласини боқиш илинжида ўғрилиқ қилишға мажбур ўғрининг ҳам аянчли аҳволини бўрттириб талқин этишға хизмат қилган. Бу ерда ҳам дарддошлиқ – кўнгиллар муштараклигини, камбағаллик ҳасрати ўғри билан муштипар кампир ўртасида аллақандай инсоний-руҳий яқинлик ҳолатини пайдо қилади. Кампир уйда ҳеч вақо йўқлигидан ўғриға ошхонада ҳозир ишлатилмай турган ярим пудлик қозонни ола кетишини, шуни сотиб, бирон қуниға яратишини айтади. Ўғри қашшоқ хонадондан бирон нима олиб кетишдан ор қилади, ҳали фаровон замонлар келиб, бу қозон ўзларига керак бўлиб қолишини айтади. Бу ўринда ёзувчининг О.Генри ёки А.Чехов бадий маҳоратига хос ўткир заҳархандали киноя услубига яқинлигини кузатиш мумкин.

Камбағаллик бир-бириға яқинлаштирган ўғри билан кампир хушнуд хайрлашадилар, унғача тонг ҳам отиб қолади.

Ғ.Ғуллом ҳикояси сарлавҳасидаги “Менинг ўғригина болам” талқини ҳам аслида ўзига ўхшаш камбағал, нотагон, бир бурда нонға зор банди эканлигини таъкидлаш воситасидир: шу учун ҳам кекса аёл ўғриғаём ўз боласидиғи самимият ва меҳр, ачиниш ва раҳмдиллик билан муносабатда бўлади.

“– Тўғри айтасиз, бувижон, – деди ўғри, – менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак деганларидек, шуларни боқимиз керак. Тўртта човати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўққа, Алининг тиғига ураман. Бўлмаса, ишлай десам билагимда қувват бор, ақлу ҳушим жойида. Менға ҳозир шу қилиб турган қасбим ёқади дейсизми. Туппа-тузук аёлманд қосибнинг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска подшо бўлгандан кейин уруш тўхтади, деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган қўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон ўша илиғи тўқларники!” [5:24].

Рокия кампир бундай талотўплар ҳукмрон замонни “қиёмат-қойим” деб билади, “ноиложликдан-ку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзинг тўқроқ, бадавлатроқ одамларникиға борсанг бўлмайди?” – дея жаврайди у. Ҳатто “ўғригина бола”сининг эл-юрт олдида тағин бадном бўлиб қолмаслигидан ҳам қайғуради. Ўғри бунга жавобан, қайси кеча кимнингдир отхонасидан “тўртта товук, битта хўроз” ўғирлаганлиғи, натижада қўлга тушишиға озгина қолганлиғи ҳақида шунчаки қизигиға гапириб беради. Бу воқеа адиб учун бошқа бир иллатни қаламға олишға туртки берган: сирининг “ҳалиям очилишиға оз қолган” ўғри “эллиқбошимиз Раҳмонхўжаға хўрозни олиб бориб берган эдим, шуни босди-босди қилиб юборди”, – дея бир қадар керилиб ҳикоя қилади.

Умуман олганда, детектив ва криминал мотивдаги асарларнинг ўзига хослиғиға оид талаблардан бири – сюжетнинг қизиқарлиқ мақомиға қурилиши, воқеалар структурасининг қутилмаган ғаройиботлиқлар билан омукталиғидир. Бу хусусият Достоевский, Толстой, А.Конан Дойл, Агата Кристи, Эдгар По каби ёзувчиларнинг криминал асарларидаги фазилатлардан бири сюжет линиясининг қизиқарлиғи билан ўлчанади. Саид Аҳмаднинг “Суд”, Ғ.Ғуллом ҳикояси сарлавҳасидаги “Менинг ўғригина болам”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” асарларининг воқеалар тузилиши, сюжет таркибининг қутилмаган қизиқарли, дилтортар ҳодисотлар тизими ҳам жанрнинг шу азалий фазилатиға умуммонандлиғи билан характерли.

Адабиётлар

1. Достоевский Ф. Жиноят ва жазо. –Тошкент: “Илм-зиё-заковат”, 2021.
2. Айтматов Ч. Статьи, выступления, диалоги, интервью. Изд. АПН. -Москва: 1988.
3. Ганиев И. Достоевскийни тушуниш ёки мангу бедорлик сирини. – Тошкент: “Фан”, 2006.
4. Саид Аҳмад. Суд. Кисса. –Тошкент: АСН, 1980.
5. Ғафур Ғуллом. Жомаси пок, ўзи нопок бандалар. –Тошкент: АСН, 1986

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада ўзбек адабиётида психологик, ижтимоий, фалсафий, маънавий руҳдаги асарлар таркибида қўлланилган детективизм, криминализм хусусиятлар талкин этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье интерпретируются черты детективизма и криминалистики, используемые в психологических, социальных, философских, бытовых произведениях в узбекской литературе.

SUMMARY. This article are interpreted the features of detectiveism and criminalism used in psychological, social, philosophical, domestic works in Uzbek literature.

I.YUSUPOVNIŇ EPIKALIŇ SHIĞARMALARINDA ROMANTIKALIŇ MOTIVNIŇ QOLLANILIW SHEBERLIGI

R.Qudiyarova – magistrant

Ўзбекистон Республикасидаги Ўқувчи-Магистрант Педагогика институти

Tayanch soʻzlar: romantik ruh, romantik motiv, gʻoyaviy taraf, poetik detal, atribut, lirik qahramon.

Ключевые слова: романтический настрой, романтический мотив, идейная сторона, поэтическая деталь, атрибут, лирический герой.

Key words: romantic spirit, romantic motive, idiomatic side, poetic detail, attribute, lyrical hero.

I.YusupovniŇ kóplegen poemalarinda romantikalıq syujetler menen qiyalıy waqiyalar sheberlik penen isletiledi. Albette, dóretiwshilik hesh bir kórkem shıǵarma jazılıwı da tolıq múmkin emesligi de shınlıq. Eger, shayır yamasa jazıwshı tek ǵana bolǵan waqiyalar menen tariyxıy faktlerdi bayanlaw menen ǵana sheklense, onda olar shın mánis-indegi naǵız kórkem dóretpede bola almaytuǵınlıǵı túsini-kli. Oytkeni, folklor menen jazba ádebiyatqa haqıyqıy romantikalıq syujetlerdiŇ áhmiyeti úlken. Mine, usıǵan uqsas baǵdarda I.YusupovniŇ «Dala ármanları» poemasınıŇ romantikalıq motivlik kompoziciyalıq qurılısı júdá qospalı hám quramalı bolıp esaplanadı.

Syujet hám motiv haqqında ádebiyatshı alımlardıŇ kózqarasları hár qıylı bolıp, A.N.VeselovskiydiŇ pikirinshe: «Motivler baslanǵısh syujet háreketin júzege keltiredi» [1:494]. Ol motivlerdi syujettiŇ eń kishi bir bólegi sıpatında analizleydi. B.PutilovaniŇ pikirinshe «Motiv –syujettiŇ mazmunı» [2:142]. Tiykarınan, eki alimniŇ motiv haqqındaǵı pikirleri durıs. Sebebi, folklorlıq shıǵarmalar diŇ strukturası motivlerge súyengen halda qalıpsedi. Epikalıq shıǵarmalar daǵı motivlerdi anıqlaw hám olardıŇ ilimiy analizi motivler evolyuciyasın hám belgili bir xalıqtıŇ etnogenetikalıq tiykarların, tariyxın úyreniw úlken áhmiyetke iye.

«Dala ármanları» poeması óziniŇ romantikalıq ruwxı menen ajralıp turadı. Poemada sheksiz keń Ústirt jáziyasınıŇ sırlı baylıqlar kárin ózlestiriwshı geologlardıŇ qaharmanlıq isleri, ásirimiz ortalarında Qaraqalpaqstanda júz berip atırǵan jańa ózgerisler jırlanadı. ÚstirttiŇ eski tilsiz, qorqınıshlı, sonıŇ menen birge, bay tariyxqa tolı eski ótmishi menen jańa ásir adamlarınıŇ ilimge tiykarlangan sanalı miyneti arqasında jańarǵan jamalı sheber salıstırıwlar arqalı lıro-romantikalıq jobada sáwleleniw tapqan, onda talay tariyxıy waqıyalar diŇ guwası bolǵan ǵáziynege bay hám zıqna keń dalańlıq Ústirt tábiyatı menen onı ózlestiriwge umtılıp atırǵan insan arasındaǵı baylanıs oraylıq orında turadı.

Poemada qoynındaǵı kán baylıqtı bildirmey buyıǵıp jatqan shet-shebirsiz Ústirt dalasınıŇ tábiyat kórinisleri menen tereń sırları da shayırdıŇ ózine tán lirikalıq boyawları menen jańasha súwretlenip beriledi:

*«Dala oylanbaydı» dese, hárgiz inanba,
Oylanbasa, nege saǵımlar aǵar,
Ane, ústem oyday keshki aspanda,
Bir búrkit shariqlap qanatın qaǵar.
Dala jansız dese, hárgiz inanba,
Janı bar, biraq ol miyrimsiz gereń,
Dala megzer bay hám zıqna adamǵa,
DalanıŇ júregi qatal hám tereń.
Dalada teńew hám megzetiwler kóp,
Kel, janım, tamasha baslandı jáne [3:25]*

Poema romantikalıq motivi, ideyalıq baǵıtı, forması jaǵınan qaraqalpaq poeziyasında jańa qubılıs bolǵanıday, óziniŇ bilimi, talantı, qıyınshılıqtan qorıqpaytuǵın qaysar, Watanǵa, doslarǵa, kásibine degen sap muhabbatqa tolı adamgershilikli álpayım minezi menen meńirew dalanıŇ da tilsim tilin tapqan, qoynı ǵáziynege tolı sıyqırlı sırın ashqan

kózi teńizdey kók, aspanday móldir, ushqır qıyalları samalday erkin ArqanıŇ sahibjamalı - rus qızı Mariya usaǵan zamanagóy jaslardıŇ romantikalıq motiv jasaw sıpatları boyınsha 60-jıllar qaraqalpaq poemashılıǵına jańa lep alıp keldi.

Sunday-aq, I.YusupovniŇ «Búlbil uyası» poeması óziniŇ syujetlik hám motivlik ózgesheligi menen ajralıp turadı. Shayır poemasında birinshi syujetlik baǵdarda eń dáslep ózi tuwılǵan jeri tuwralı ishki lirik keshirmelerin beredi. Sebebi, tap sol jerden búlbil uyasın hám onıŇ ayanıshlı táǵdirin ushıratqan. Bul bizińshe syujetlik sharayattı sóz sheberiniŇ jazba realistlik sıpatta obektivlestirip súwretlewı bolıp esaplanadı hám júdá aqılǵa muwapıq alıǵan:

*Qanıńday shıraylı sheńgel gúlleri,
Jupqa oramal jayıp ketkendey qızlar.
Sol sheńgel astında kóp kúnnen berli,
Ózim kórip júrgen qus uyası bar...
Kózge ıssıq KegeyliniŇ jaǵası,
Tuwıp ósken shańda oynanǵan jerim
Muzap penen tal astında tabısıp,
Tuńǵısh muhabbeti jırlanǵan jerim. [4:303]*

Ekinshi syujetlik baǵdarda shayıır muǵallım jigittiŇ mine, usı «búlbil muǵallım» ekinshi jer júzlik urıstıŇ baslanıwı menen eki qabat kelinshegin taslap, basqa jigitler qatarı frontqa ketiwge májbúr boldı. («Kúygelek kóz kelinshegi bar edi. Qosıq aytqan waǵında xosh hawazınan, ay tuwıp, juldızlar saǵınar edi».

Bul alıǵan mısalda shayıır romantikalıq motivtı óz ornında sheber qollanıla alǵan. Sebebi, óziniŇ súyikli yarınıŇ sulıwlıǵı menen qosa onıŇ xosh hawazın da saǵınıw sezimleri sheberlik penen berilgen.

Solay etip, shayıır jigitti frontqa uzatıp bolıp úshinshi bólimde jáne de búlbil qus haqqındaǵı waqıya syujetke kóshedi. Bunda ol usı qustıŇ tek ǵana bir máyek salıp, sol jalǵız máyek ústinde qurıp basıp, baǵ joq jerde sheńgeldi sayalap, shańgeldi ǵana ıqlap kózleri tórt bolıp úlken úmitler menen perzent daǵında jatatuǵınlıǵın ayrıqsha terbenisler menen jetkeredi:

*Jalǵız máyek salıp qurıp basqanda,
Bir intıqlıq sezim juwırıp qanǵa,
Erik nawsheindey júregi qustıŇ,
Mıyrim bulǵına shomılar edi.
... Moyınsınıp jaratılıs zańına,
Uwız iyi qurıp jatadı bayǵus.
... Sheńgel qorǵap onı tikenı menen,
Kún ısıǵan waqta sayasın saldı.
... Máyek shayqap waqtın-waqtın qozǵaldı,
Kúndiz suwıq, aqsham ayaz ızǵarlı,
GúbelektiŇ qanatınan oyanıp,
«QustıŇ uyqısımday»-degen sóz qaldı. [4:305-306]*

Kórip otırǵanımday, turmısta usınday bolǵan jaǵdayda do onı shayıır bári bir kózi kórmese de romantikalıq usıl menen jetilistiriw, ayrıqsha janlandırıw kórsetip otr. Shayır qusqa tiyisli hár bir detallardı sezimtalıq penen dinamikalıq usıl da jetilistiriw súwretlegen.

Usı jerde qálem iyesi qustı táriyplewı jáne de toqtatıp, taǵı da haqıyqıy ómirdegi qaharmanlar táǵdirin sú-